

БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Чинбердиева Лазокатхон Рахматжоновна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти таянч

докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада меҳнат омиллари бошқарув таҳлилида ходимлар фаолиятининг умумий кўрсаткичлари билан бирга уларнинг фаоллигини ифодаловчи ходимларнинг корхона инновацион ривожланишига, миқдорлар билан муносабатларини ривожлантиришга, бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштиришга ҳисса қўшиши каби хусусий кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали меҳнат ресурслари бошқарув таҳлилини такомиллаштириш ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Меҳнат ресурслари, меҳнат омиллари, меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи, ходимлар фаоллиги, инновацион ривожланиш, миқдорлар билан муносабат, бўлимлар фаолияти, хизмат вазифалари, ижтимоий ривожланиш, иқтисодий ривожланиш.

Корхона бошқарувида меҳнат ресурсларининг хизматлари ва иш бажариш ҳажми ҳамда даромадига таъсири таҳлилини тадқиқ этиш муҳим масалалардан биридир. Ушбу таҳлилий амалларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ходимлар сонининг хизматлар (ишлаб чиқариш) ҳажми динамикасига таъсирини таҳлил қилиш;
- меҳнат унумдорлигининг хизматлар (ишлаб чиқариш) ҳажми динамикасига таъсирини ҳисоблаш;

- иш ҳақининг ўсиш суръатларини, уларнинг меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари билан боғлиқлигини ўрганиш.

Донни қайта ишлаш корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳолаш мумкин:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши меҳнат ресурслари ва улар билан боғлиқ меҳнат харажатларини тежашга олиб келади, бу умумий ишлаб чиқариш харажатларини ёки кўрсатилган хизматлар нархини камайтиришга олиб келади. Натижада меҳнат унумдорлигининг ошиши қўшимча фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллигининг ошишини таъминлайди, бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳажмини оширишга хизмат қилади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати жорий ва олдинги (ёки режалаштирилган) даврлардаги меҳнат унумдорлиги даражасининг нисбати билан белгиланади.

- меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бажарилаётган ишлар ҳажмининг ўсиши улуши. Меҳнатдан фойдаланишнинг бажарилган ишлар ҳажмига таъсир қилиш даражасини маълум интеграл усул билан ҳам, нисбий кўрсаткичлар ёрдамида ҳам ҳисоблаш мумкин.

Агар ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпайган бўлса, унда меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида олинган даромадларнинг ўсиши қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\Delta D = \left[1 - \frac{((T1/T0) - 1)}{((D1/D0) - 1)} \right] \text{ ёки } \Delta D = 1 - \left[\frac{((T1 - T0) / T0)}{((D1 - D0) / D0)} \right] \text{ агарда: } T1 \geq T0$$

бу ерда,

D – сотишдан тушган тушум (даромад);

T - мос равишда ҳисобот ва олдинги даврлар учун ишчи ва ходимларнинг ўртача йиллик сони

3.1.1-жадвал

“Андижондонмахсулотлари” АЖнинг меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2023 йилда 2019йилга нисбатан ўзгариш	
							мутло қ	нисби й
1	Сотишдан тушган тушум (млн. сўм)	20140 1	24984 7	18931 9	31869 3	20872 7	- 109966	65,5
2	Ишчилар сони (киши)	408	401	391	294	280	-14	95,2
3	Меҳнат унумдорлиги (млн. сўм)	493,6	623,1	484,2	1083,9	745,5	-338,4	68,8
4	Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати (%)	134,8	126,2	77,7	223,9	68,8	-155,1	30,7

Тадқиқотимиз натижасида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг ўсиш даражаси асосан 2019-2022 йилларда кузатилган. Ишчилар сонининг олдинги даврга нисбатан кўпайиши эса 2019 йилга тўғри келмоқда, қолган даврларда эса ишчилар сони камайиб борган. Демак, меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида олинган даромадларнинг ўсиш даражасини 2018-2019 йил маълумотлари асосида таҳлил қилиш мумкин. 2018 йилда сотишдан тушган тушум 128855 млн.сўмни, ишчилар сони 352 кишини, меҳнат унумдорлиги 366, 1 минг сўмни ташкил этган.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида олинган даромадларнинг ўсиш даражасини қуйидаги ҳисоб-китоблар орқали аниқлашни мақсадга мувофиқ деб топдик:

1. Маҳсулот сотишдан тушган тушум (даромад) нинг ўсиш даражаси:

$$\Delta D = (D1/D0) - 1 = (201401/128855) - 1 = 0,563$$

2. Ишчилар сонининг ўсиш даражаси:


$$\Delta T = (T1/T0) - 1 * 100 = (408/352) - 1 = 0,159$$

3. Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига даромад (тушум)нинг кўшимча ўсиши улуши:

$$\Delta D = 1 - \frac{\left(\frac{(T1/T0) - 1}{0,563} \right) * 100}{0,563} = 1 - \frac{0,159}{0,563} * 100 = 71,8$$

Хулоса шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига даромаднинг кўшимча ўсиши улуши 71,8% ни ташкил этган бўлиб бу меҳнат унумдорлигининг 34,8% ортиши ҳисобига юз берган бўлса, қолган 28,2% кўшимча даромад ишчиларнинг ўртача йиллик сонини 15,9% га ошганлиги сабабли олинган. Демак, корхона даромадининг ортишига асосий таъсир этувчи омил меҳнат унумдорлиги даражасининг ўсишидир. Корхонада ишчилар сонига нисбатан меҳнат унумдорлигининг ортиши даромаднинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги ҳисоб-китобларни Excel дастурида диаграмма кўринишида ифодалаш фикримизни янада тўғрилигига асос бўлади. Шунингдек, корхонада таҳлилий жараёнларни автоматлаштириш бошқарув қарорларини қабул қилишни янада осонлаштиради ва бошқарув қарорларининг самарадорлигини оширади.



3.1.2-расм. Мехнат ресурсларидан фойдаланишнинг корхона даромадига таъсирини таҳлили

Мехнатни ташкил этиш ва мехнат ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш бизнинг фикримизча, қуйидаги кўрсаткичлар бўйича бошқарув таҳлилинини ўтказишни тақазо этади:

- мехнатни тартибга солиш ҳолатини таҳлил қилиш;
- ишчи ва ходимлар сони ва малакасини таҳлил қилиш;
- иш вақтидан фойдаланиш таҳлили;
- мехнатга ҳақ тўлаш бошқарув таҳлили;
- мехнат унумдорлиги бошқарув таҳлили.

Замонавий бозор ёндашувлари ва интеллектуал капитални таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари ўрганиб чиқиб, биз замонавий бозор тизими қуйидаги кўрсаткичларга асосланиши керак деган хулосага келдик.

2-жадвал

Мехнат ресурсларини бошқариш кўрсаткичлари тизими

№	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Амалиётдан олинган маълумотлар асосида ҳисобланган ҳажм
1.	Маъмурий ва бошқарув ходимларини сақлаш харажатларининг умумий	маъмурий ва бошқарув ходимларини сақлаш харажатлари/ жами харажат	$2947/318048 \cdot 100 = 0,93$

	харажатлардаги улуши (моддий-техника билан таъминлаш ва бошқалар)		
2.	Маъмурий ва бошқарув ходимларини рағбатлантириш харажатларининг умумий харажатлардаги улуши	маъмурий ва бошқарув ходимларини рағбатлантириш харажатлари/ жами харажат	$773/318048*100=0,24$
3.	Маъмурий ва бошқарув ходимлари бирлигига тўғри келадиган харажатлар улуши	жами харажат /маъмурий ва бошқарув ходимлари сони маъмурий ва бошқарув ходимларини сақлаш харажатлари /маъмурий ва бошқарув ходимлари сони	$318048/11=28913$ $2947/11=268$
4.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш талаб қилувчи бошқарув ходимларининг улуши	қайта тайёрлаш ва малака ошириш талаб қилувчи бошқарув ходимлари сони/ маъмурий ва бошқарув ходимлари сони	$4/11*100=36,36$
5.	Қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтган бошқарув ходимларининг улуши	қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтган бошқарув ходимлари сони/ маъмурий ва бошқарув ходимлари сони	$7/11*100=63,63$
6.	Асосий кадрлар алмашинуви даражаси	ҳисобот даврда ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатишган ходимлар сони/ маъмурий ва бошқарув ходимлари сони	$2/11*100=18,18$
7.	Ўн йилдан ортиқ ишлаган	ўн йилдан ортиқ ишлаган ходимлар сони/	$10/11*100=90,91$

	ходимларнинг улуши	маъмурий ва бошқарув ходимлари сони	
8.	Умумий қайта тайёрлаш ва малака ошириш харажатлари улуши	қайта тайёрлаш ва малака ошириш харажатлари/маъмурий ва бошқарув ходимларини сақлаш харажатлари	$800/2947=27,15$
9.	Бошқарув ходимларининг ўртача ёши	маъмурий ва бошқарув ходимларининг ёши йиғиндиси/ маъмурий ва бошқарув ходимлари сони	$(31+32+34+36+38+39+42+46+51+52+61)/11=42$
10.	Мутахассислик бўйича ўртача иш тажрибаси	мутахассислик бўйича ишловчи ходимлар сони/ маъмурий ва бошқарув ходимлари сони	$11/11*100=100$
11.	Корхонадаги ўртача иш стажи	маъмурий ва бошқарув ходимларининг жами иш стажи/ маъмурий ва бошқарув ходимлари сони	$8+12+13+16+12+19+20+24+30+30+30=19,55$

Жадвал маълумотлари корхона ходимларининг меҳнат салоҳияти кўрсаткичлари ҳолати яхши эканлигини кўрсатмоқда. Ходимларнинг ўртача ёши 42 ёшни, мутахассислик бўйича иш тажрибаси 100 фоизни, ўртача иш стажи эса 19,55 йилни ташкил этмоқда. Бошқарув ходимлари бўйича харажатлар улуши ҳам меъёр даражасида. Бу кўрсаткичлар корхонанинг меҳнат ресурсларини бошқаришнинг умумий кўрсаткичидир. Ҳозирги кун талаби эса ҳар бир жараёнга индивидуал ёндашишни талаб этади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида, айниқса, меҳнат ресурсларининг роли муҳим бўлган шароитда, кадрлар ривожланишининг оқилона стратегиясини танлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини режалаштириш зарур.

Меҳнат ресурслари ўзгаришига кўплаб омиллар таъсир қилади, уларнинг табиати ҳар хил, шунинг учун таркиб нафақат миқдорий, балки сифат жиҳатидан ҳам баҳоланиши зарур. Уларни баҳолашда корхона ишчи ва ходимларни умумий ишчи сифатида ҳисобга олган ҳолда нафақат гуруҳ хусусиятларини, балки ишчи ва ходимларнинг индивидуал хусусиятларини ҳам қўллаш имконини беради. Донни қайта ишлаш корхонаси ишчи ва ходимларининг умумий натижаларга қўшган ҳиссасини қуйидаги йўналишларда аниқлаш мумкин:

- корxonанинг инновацион ривожланишига қўшган ҳиссаси;
- корхона даромадининг ошишига ҳисса қўшиши;
- мижозлар билан муносабатларни ривожлантиришга ҳисса қўшиши;
- бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштиришга ҳисса қўшиши;
- вазифа ва функцияларни муваффақиятли бажаришга ҳисса қўшиши.

Хулоса қилиб айтганда меҳнат ресурслари бошқарув таҳлилини умумий иқтисодий кўрсаткичлар билан бирга хусусий кўрсаткичларни, яъни ҳар бир ходимнинг корхона самарадорлик кўрсаткичларига таъсири таҳлилини ҳам амалга ошириш зарурлигини мақсадга мувофиқ деб топдик. Ходимларни корxonанинг инновацион ривожланишига, корхона даромадининг ошишига, мижозлар билан муносабатларни ривожлантириш, бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириш, вазифа ва функцияларни муваффақиятли бажаришга ҳисса қўшиши каби хусусий кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориш ходимлар ўртасида рақобатни кучайтириш, хизмат вазифаларига сидқидилдан ёндашиш, соғлом муҳитни яратиш ва корxonани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вахрушина М.А. Управленческий анализ: Учебное пособие. М.:Омега-Л, 2005. -432 с
2. Пардаев М.Қ, Б.И.Исроилов Иқтисодий таҳлил: Ўқув қўлланма 2-қисм. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2001. -255 б.
3. Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. – Т.: Иқтисод-Молия, 2005. – 320 б.
4. Мамажонов Акрамжон Тургунovich. [Accounting for the costs of carrying out production activities of farms in a market economy in Uzbekistan](#). “DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR” International scientific-practical conference. 2021/3
5. А. Т. Mamazhonov. [Conceptual issues of accounting for finished goods in the automotive industry](#). ISJ Theoretical & Applied Science. 2020/12/30
6. Чинбердиева Л.Р. Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув таҳлилининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Молия илмий журнали 2023 йил 3-сон. 179-184 бет.
7. Чинбердиева Л.Р. Ишлаб чиқариш харажатларининг корхона самарадорлигига таъсирини баҳолаш. SCIENCE AND EDUCATION IN AGRICULTURE Volume:2 Issue:2/2024. 157-161 бет.
8. Чинбердиева Л.Р. Ways to Perform Management Analysis of Production Processes. BEST JOURNAL of innovation in science, research and development. Volume:3 Issue:3/2024. 122-126 p.